

«Челси» футбол клуби Рамазон ойида «Стемфорд Бриж»да ифторлик ўтказди



11:00 / 06.04.2023 1150

Лондоннинг «Челси» клуби АПЛ клублари орасида биринчи бўлиб ўз стадионида ифторлик ўтказди.

Клуб расмий сайтида қайд этилишича, «Челси» бундай маросимни ўтказган Премьер-лиганинг биринчи клуби бўлди.

«Сизга шуни мамнуният билан маълум қиламизки, клуб Рамазон ойи муносабати билан уй стадиони «Стемфорд Бриж»да ифторлик ташкил қилади. Ифторликда маҳаллий мусулмон жамоатини интизорлик билан кутиб қоламиз», - деб аввалроқ клуб расмий сайти хабар берган эди.

Шунингдек, клуб хабарида жамоанинг Ислон динига эътиқод қилувчи аъзоларидан Калиду Кулибали ва Весле Фофана барча рўздорларни ифторликка таклиф қилган.

26 март куни Рамазон ойи муносабати билан очиқ майдонда «Стемфорд Бриж»да ифторлик уюштирилди. Тадбирда юзлаб мусулмонлар қатнашди ва биргаликда рўзаларини очишди. Бу турдаги тадбир Премьер Лига клублари орасида биринчи бор содир бўлиши.



«Бизнинг миллионлаб мухлисларимиз турли хил миллат ва келиб чиқишга эга. Биз уларни ҳар бирини ҳурмат қилишни, эъзозлашни ва улар билан қувончимизни баҳам кўришни истаймиз», дейди Челси Фонди раиси Лорд Даниел Финкелстейн. — Челси мухлиси бўлмоқчи бўлган ҳар бир инсонни меҳр-муҳаббат билан қарши оламиз. Премьер Лигада биринчи бўлиб очиқ

ифторлик ташкил этганимиздан фахрланамиз.



Тадбирда Ислом Инсонпарварлик Кўмаги (Islamic Relief) ташкилотининг Британия раҳбари Туфейл Ҳусан, Челси Фонди раҳбари Саймон Тайлор ва Ramazon Tent Project раисларидан бири бўлган Душан Ҳамза иштирок этди.